



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
1999 йил 20 апрел, сешанба № 45 (692)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 апрель куни Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти Бош котиби Франческо Франжиаллини қабул қилди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Суратда: Қабул пайти. А. ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда мазкур ташкилотнинг дунё халқлари маданияти, тарихи, миллий мероси ва маданий бойликлари асраб-авайлаш, бир-бири билан таништириш борасидаги аҳамияти юксак қадрлашганини таъкидлади.

— Одатда сайёҳликка бизнес сифатида қаралади, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Лекин мазкур соҳа бу билан чекланиб қолмайди. У кишиларни маънавий бойитиши, зеро, ҳозирги дунёни, ҳаётни сайёҳликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Барча хурфид инсонлар ўзга халқларнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва бошқа бойликлари билан танишишга интилади.

Ф. Франжиалли Ўзбекистон билан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ўртасида

ги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб, мамлакатимиз ҳукумати халқаро мижёсда сайёҳликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Ўзбекистон ушбу ташкилотта 1993 йили аъзо бўлган. Шундан буюн ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. 1994 йили Тошкентда Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО ҳамкорлигида «Буюк ипак йўлида сайёҳлик тараққиёти» мавзусида халқаро семинар уюштирилди. 1995 йили эса биринчи бор «Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳлик» йиллик халқаро ярмаркаси ўтказилди. Унда қирққа яқин мамлакатдан юздан ортиқ фирма ва компания иштирок этди. Утган йилги айни номдаги ярмаркада иштирокчи фирма ва компаниялар сони 170 дан ошди. 1997 йилда Ўзбекистон ташкилот ижроия қўмитасининг аъзоси бўлди. Турли давлатларда бўлиб ўт-

ган семинарларда мамлакатимиз «Буюк ипак йўли» сайёҳлик йўналиши бўйича халқаро лойиҳанинг жүргүзүлүши ва мувофиқлаштирувчи маркази сифатида эътироф этилди. 19 апрель куни эса Тошкентда Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти Европа бўйича комиссиясининг 34-мажлиси бўлиб ўтди.

Қабул маросимида Ф. Франжиалли Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ташаббусини илгари сургани, бу қадимий йўл бўйлаб сайёҳлик йўналишини ташкил этиш бўйича халқаро лойиҳа ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Президент Ислам Каримовга Жаҳон Сайёҳлик Ташкилотининг олий мукофотини топширди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рижиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Караматов, «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. Хусанбоев иштирок этди.

Учрашувда Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти Европа бўйича комиссиясининг раиси П. Келлер ҳозир бўлди. (ЎЗА)

Ўзбекистон - Чехия: ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Бугун Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земанинг мамлакатимизга ташрифи бошланади

Чехия Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари орасида бозор иқтисодиёти муносабатларини изчиллик билан қарор топтираётган ва дунё ҳамжамиятига жадал суръатда интеграциялашиб бораётган давлат сифатида ажралаб туради. Бунинг тасдиғи Чехия Европа Иттифоқига биринчи навбатда қабул қилинадиган мамлакатлар қаторидан жой олгани ва ўтган ойда НАТОга қабул қилинганида ҳам кўриш мумкин. Чунки, ушбу нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиш учун давгаро мамлакат муайян сиёсий ва иқтисодий талабларга жавоб бериши зарур.

Чехия иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, самолётсозлик, машинасозлик, кимё саноати муҳим тармоқ ҳисобланади. Бу соҳалар сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Чехия ўтиш даврининг дастлабки йилларидаёқ тарихий ва миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини танлаб олгани ва бу йўлдан оғинамай муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тadbирларни амалга оширганидир. Бундай тadbирлар янада фаолашмоқда.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йилда ўрнатилган эди. Шу йили икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

1997 йилнинг январ ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Чехия Республикаси раسمىй ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Чехия ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташкилотнинг алоқалар вазири билан Чехия саноат ва савдо вазири ўртасида, Ўзбекистон

Ташкилотнинг фаолият Миллий банки билан Чехия «Коммерчн банк» ўртасида ўзаро меморандумлар имзоланди. Шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан «Чедок» сайёҳлик корпорацияси ўртасида ҳамкорлик, Ўзбекистон Ташкилотнинг алоқалар вазири билан «ЧКД Прага Холдинг», «Шкода» ва «Мотоков» ҳиссадорлик жамиятлари ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги битимларга имзо чекилди.

Утган йилнинг апрелида Чехия саноат ва савдо вазири К.Юнл раҳбарлигида ушбу мамлакат ишбилармонларидан иборат делегация мамлакатимизда бўлди. Улар қатор вазирилик, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида музокаралар ўтказди.

Бугунги кунда мамлакатимизда чехиялик тadbиркорлар билан ҳамкорликда тузилган ўнга яқин кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. «АВТОШ», «Самарқанд-Прага», «Анджон-Прага», «Оксана» ва «Фаввора» корхоналари шулар жумласидадир. Шунингдек, Чехиянинг «ТИКО-КАР», «Эллитекс», «Мотоков» каби қатор фирма ва компаниялари ҳам Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Улар электр узатиш қурилмалари, совутиш компрессорлари, дори-дармон, тиббий ускуналар ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланаётди.

Мамлакатларимиз ўртасида товар айрбошлаш ҳажми 1997 йилда қарийб 50 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу рақам йилдан йилга ўсиб бораётган бўлса-да, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Чехия Бош вазири Милош Земанинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Раъван МАХМУДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Саксониянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган иқтисодиёт ва меҳнат бўйича давлат вазири К.Шоммер бошчилигидаги ушбу ўлка ишбилармон доиралари вакиллари делегацияси пойтахтдаги «Оникс» очик турдаги акционерлик жамиятида бўлди.

Меҳмонлар «Оникс»даги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, заводнинг келгуси режалари билан яқиндан танишиди. Шундан

зайдан» кўшма корхонасини ташкил этиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди. Мазкур кўшма корхона шиша толаси ишлаб чиқаради. Маълум

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

сўнг «Оникс» акционерлик жамияти раҳбарияти билан Германиялик ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар сўнггида «Оникс» акционерлик жамияти, «Юрген Прайсс-Даймлер» фирмалар гуруҳи ҳамда «Ровитекс» фирмаси иштирокида «Ўзгла-

ки, саноатда бу маҳсулотга эҳтиёж катта. Корхонани келгуси йилнинг иккинчи ярмида ишга тушириш мўлжалланган. Унда йилга 10 минг тоннадан ортиқ шиша толаси ишлаб чиқарилади. Янги кўшма корхонага сарф этилажак сармоянинг ярми саксониялик ишбилармонлар томонидан ётқизилади. Умуман, кейинги пайтда хорижлик ишбилармонларнинг

«Оникс» акционерлик жамияти билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқиши тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Яқиндагина газ ўлчаш асбоблар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон-Италия кўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаган

эди. «Оникс» раҳбарияти бундай алоқаларни келгусида янада кенгайтиришни режалаштирмоқда. Саксониялик ишбилармонларнинг «Оникс» акционерлик жамиятига ташрифи чоғида уларга Германиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл ҳамроҳлик қилди.

Сандмурод РАХИМОВ, ЎЗА мухбири.

КАРМАНА НЕЧА ЁШДА?

Навоий вилоятининг ақсарият шаҳар ва туманларида кўпдан-кўп тарихий ёлгорликлар мавжуд. Кармана шаҳри кўп асрлар мобайнида йирик маърифат ва маданият ўчоқларидан бири бўлиб келган.

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Кармана ва унинг Марказий Осиёда тугган ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни республика Фанлар Академияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди. Анжуманда мамлакатимизнинг таниқли олимлари сўзга чиқиб, Кармана шаҳрининг ёшини аниқлаш, бу борадаги тарихий манбаларни тўплаш ва китоб ҳолида чоп этиш, қадимий ноёб ёдгорликларни тиклаш масалаларига тўхталдилар. (ЎЗА).

АНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ КЕРАК

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида эътироф этилган мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларининг ваколатларини ва энг муҳими ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини яратишга доир кўрсатмалари бағоят қимматлидир. Чунки бундай қафолати бўлган қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллар кенгашлари биринчи навбатда тadbиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдирish, қисқиси фуқароларни кучли ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари билан яқиндан шуғулланиш имконига эга бўлар эдилар.

Бизнинг маҳалламизда ҳам ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар тарбиясига оид тadbирларни амалга оширишда муайян саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Айниқса, тadbиркорликни йўлга қўйиш масаласида бир мунча ишларни режалаштирганмиз. Маҳалла чойхонасини маданий-маърифий, ҳуқуқий тарбия учоғига айлантириш фикри бор. Худуд марказида барпо этилажак гузар маҳалла ҳаётида муҳим аҳамият касб этishi керак. Бу ерда сартарошхона, ноновойхона, пойабзал тузатадиган устaxonа, сабзавот ва гўшт дўкони ҳамда бошқа бир қатор қулайликлар фуқаролар узоғини яқин, оғирини енгил қилишига ишонамиз.

Бундай тadbирлар амалга ошган, биринчидан, кўшимча иш ўринлари пайдо бўлади, иккинчидан, маҳалла ҳисобига тушадиган маблағга эга бўлинади. Бу маҳалла имконият даражасини кенгайтиришга, бинобарин фуқаролар ижтимоий ҳимоясини янада яхшилашга омил бўлади.

Хуллас, Президентимиз маърузасида ўртага ташланган кўпгина масалалар ўзини-ўзи бошқариш ор-

Буюк ишлар олдиди

ганлари фаолиятини янада кучайтириш ва атрофида кўпчиликини уюштирадиган ва ортидан эргаштирадиган ҳамда аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондиришга қодир ташкилот барпо этиш йўлида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шоатҳам ШОҲАЛИМОВ, Юнусобод туманидаги «1-Отчопар» маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси.

ИСТИҚБОЛГА ПЕШВОЗ

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси иши жуда самарали бўлди. Унда мамлакатимиз ва жамият ҳаётининг муҳим жиҳатларини камраб олган масалалар муҳокама этилди, муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Хўш, янги асрга қандай қадам ташламоқчимиз? Бу саволга Президентимизнинг маърузаларидан жавоб топишимиз мумкин.

Шуни айтиш кераки, бир шароитдан иккинчисига ўтиш ҳеч қачон осон кечмаган. Бунга тарих гувоҳ. Шунинг учун ҳам «Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг Конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлидик», — дедилар Президентимиз.

Фуқаролик жамиятини яратиш учун хизмат қиладиган қонуний меъёрлар бизни қувонтирди. Негаки, демократик давлатларда доимо қонун устуворлиги таъминланган. Дарҳақиқат, кишилар эркин, мустақил фикрлай оладиган жамиятдагина бахтли ҳаёт кечиришлари мумкин. Бунинг учун қандай ишларни амалга оширишимиз лозим бўлади? «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти»га ўтишда қайси омилларга таяниш зарур?

Фикримиз, оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунарларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

Хуллас, Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қўрилган масалалар жуда муҳим бўлиб, чарогон келажак сари қадам ташлашимизда етакчи омил бўлади.

Жума ШОДИЕВ, ишчи, Денов шаҳри.

ИШОНСЕННИ ОҚЛАЙМИЗ

Биринчи қаҳирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессияси, айниқса ундаги Президентимизнинг маърузаси бизни гоё тўлқинлантирди.

Шу сабабдан бўлса керак, Юртбошимизнинг маърузаларини ойнаи жаҳон орқали тинглаган бўлсам-да, газетамда чоп қилингандан кейин уни яна қайта-қайта ўқиб чиқдим. Ўзим ўқитувчи бўлганим боис, Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилиши ҳақидаги Президент сўзларини жон қулоғим билан тингладим. Юртбошимиз амалга оширилаётган барча ислохотларнинг тақдирни кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқлигини ҳар биримиз аниқ ва равшан англаб олишимиз лозимлигини таъкидларканлар, дастурни бажариш учун жавобгар кишилар олдида тўрт муҳим вазифани қўйдилар. Ташлим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига янги авлоднинг камол топтиришга қаратилган зарур туза-тишлар киритиш, янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш, юқори маалали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш ҳамда Дастурда белги-ланган академик лицейлар ва касб-хунар коллеж-ларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш бу вазифаларнинг асл моҳияти-ни белгилаб беради.

Юртбошимиз Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилишининг аҳамияти ҳақида гапира туриб шундай дедилар: «Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб била-диган ҳар бир киши бу Дастурни амалга оши-ришга ўз меҳнатини, ўз улушини қўшади, деб ишонаман».

Саноатхон ХОЛБЕКОВА, ўқитувчи.

Мўмин ҚАЮМ, журналист.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини учун ПОЛВОН - ЮРТНИНГ ҒУРУРИ



16-17 апрел кунлари Тошкент вилоятининг энг гўзал масканларидан бири Паркентда курашнинг фарғонача усули бўйича шахар ва кишолар ўртасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини учун Республика турнири бўлиб ўтди. Унда асл полвонлар иштирок этишди.

Паркентликлар ўртасида кураш тўғрисида гап очилса, Гамлет Йўлдошев, Тухфат бобо ва Гултура полвонларни қайта-қайта фахр билан тилга оладилар. Бу полвонларнинг довриги ўз вақтида оламга дoston бўлган эди. Кунни кеча эса байрамона безатилган Паркент марказий уйингоҳи курашни севувчи минглаб ишқибозлару республикамиз шахар ва вилоятларидан келган полвонларни ўз бағрига чорлади.

Дастлаб мусобақани Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши бўйича ўтказилаётган илк турнир билан қизгин муборакбод этди. Туман ҳокими, Олий Махлис депутаты, Тошкент вилояти кураш федерацияси раиси Туроб Холтоев эса барча полвонларга омадлар тилади.

Шундан сўнг ажойиб спорт байрамига старт берилди. Зеро, қайсики юрда тинчлик бўлса, унга байрам ярашғулик. Ўзбекистон мадҳияси янграб, мусобақа байроғи кўтарилган, майдонда спортчилар кўргазмалари кайта-қайта фахр билан тилга оладилар.

курашнинг фарғонача усули бўйича шахар ва кишолар ўртасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соврини учун Республика турнири бўлиб ўтди. Унда асл полвонлар иштирок этишди.

Илк бор майдонга бир неча йиллар давомидида кураш тўғрисида гап очилса, Гамлет Йўлдошев, Тухфат бобо ва Гултура полвонларни қайта-қайта фахр билан тилга оладилар.

Шундан сўнг ажойиб спорт байрамига старт берилди. Зеро, қайсики юрда тинчлик бўлса, унга байрам ярашғулик. Ўзбекистон мадҳияси янграб, мусобақа байроғи кўтарилган, майдонда спортчилар кўргазмалари кайта-қайта фахр билан тилга оладилар.

нафақат кураш усуллари билиш, балки ҳақиқий куч талаб қилинади. Кўлда, белда, оёқда куч бўлмаса, курашнинг минг ҳадисини олган бўлсангизда рақибингизни енгиш амри маҳол. Демакки, соф куч бунда устунлик қилади. Бежизга энг ҳалол деб фарғонача кураш усули тан олинмаган. Холисона айтидиган бўлсак, бу усул умуман фирромликлардан холи.

Турнирда 60, 66, 73, 81, 90, 100 ва мутлоқ вазн тоифасида 70 нафар полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Кураш Фарғонадан чиқиб, Тошкентда ривожланган, буни тан оlishимиз керак-дейти биз билан суҳбатда фарғоналик меҳмонлар жамоаси раҳбари Равшан Меҳмонов. - биз тошкентлик полвонлардан кўп нарсани ўрганишимиз керак экан. Жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Бу ҳам осон кечмади, албатта. Зеро, қаерда бўлмасин, кучлилар ғолибдилар.

Дарвоқе, жамоа ҳисобида наманганиликлар учинчи, фарғоналиклар иккинчи ва тошкентликлар биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Ўз вазн тоифаларида мутлоқ ғолиблик 60 килограмм вазнда Умар Маҳаматовга, 66 кгда Бехзод Тошўлатовга, 73 кгда Усмон Маҳаматовга, 81 кгда Улугбек Мамаатовга, 90 кгда Олимбек Файзуллаевга, 100 кгда Шокиржон Шомаликовга, 100 кдан ортқ вазн тоифасида Аҳмадjon Турақуловларга насиб этди.

Усуллар бўйича энг кучли деб бир неча бор Ўзбекистон ва Ўрта Осиё чемпиони Аъзам Шокиржонов тан олинди. Паркентдаги кураш ҳаманинг эсида қоладиган бўлди, десак янглишмаймиз. Мухлислар ажойиб спорт байрамининг гувоҳи бўлишди. Мусобақанинг мутлоқ ғолиблиги учун бир неча полвонлар курагини ерга теккизиб, марра остонасига етиб келган фарғоналик Аҳмад полвон ва наманганилик Нуриддин полвонлар даврага чиққанлариди мухлисларнинг тинимсиз олқишлари янграб турди. 100 кдан ортқ вазндаги полвонлар бир-бирини тинимсиз таъқиб этиб, гоҳ уни даст кўтарса, гоҳ буни рақиб оёғини ердан узарди. Хар иккиси ҳам бир-бирига муносиб рақиб эканлигини намойиш қиларди. Барибир, кимдир ғалаба қилиши керак. Мухлислариди ҳажон босарди. Бу ерда омаддан кура куч, иқтидор устунлик қилаётгандек. Ҳа, шундай бўлди. Бир неча бор ғолиблик нашидасини сурган, республикамизнинг мутлоқ чемпиони, кўлгина му-

собақалар совриндори Аҳмад полвон ўзининг нима-ларга қодир эканлигини исбот этди. У ўшбу турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлди. «Яшасин, Аҳмад полвон, ҳалол, ҳалол» деган хайқириқлар остида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Турнирда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов иштирок этиб, ўз вазни тоифасидаги барча ғолибларга «Спорт устаси» даражаси берилаётгани эълон қилди.

Турнир сўнггида полвонларнинг оналарига касаба уюшмалари Федерациясининг қимматбахо совғалари топширилди. Ундан ташқари маҳалларда спортни ривожлантириш, болаларни ахлоқий жиҳатдан камолга етказишда қўшган ҳиссалари учун бир неча кишолқ оқсоқоллари ва фахрийлари Фахрий ёрликлар ҳамда кимматбахо совғалар билан тақдирландилар. Бадиий, кўргазмалар чиқишида иштирок этган 140 нафар кизларга баҳорий либос - бир кийимликдан атлас улашилди.

Курашда ғолиблик шохсупасига кўтарилган полвонларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг фахрий ёрлик дипломлари ва кимматбахо совғалари топширилди.


Шуниси диққатга сазоворки, ўзбек кураши бугун жаҳонга юз тугди. Сурхондарёда Ал-Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган IV Халқаро турнир «Осиё чемпионати» макомини олди. «Кураш» номи билан жаҳонга чиққан миллий курашимиз буюроча усулга асосланганлиги ҳаммамизга маълум. Паркентда ўтказилган Республика турнири эса курашнинг фарғонача усулига асосланди. Фарғонача курашнинг ҳам илосмандлари кўпчиликини ташкил этиши инобатга олинди, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига фарғонача курашнинг ҳам илосмандлари кўпчиликини ташкил этиши инобатга олинди, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига фарғонача курашнинг ҳам илосмандлари кўпчиликини ташкил этиши инобатга олинди.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ, Геннадий ХАРИТОНОВ.

Аёли бахтли бўлган, аёли қулган юрт обод бўлади, юксалади. Аёлининг, умуман инсоннинг қулиши, бахтли бўлиши кўп жиҳатдан унинг саломатлигига боғлиқ. Халқимиз саломатлигини асрашда, баркамол бўлиб ривожланишида эса спортнинг аҳамияти бекиёсдир. Жиззах шахрида бўлиб ўтган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимларининг I Республика спартакиадаси ҳам юртимизда эълон қилинган «Аёллар йили»га бағишланди.



СПОРТ, ОММАВИЙЛИК ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ



Маълумки, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, унинг оммавий турларини кенг ёйишга, спортга, айниқса, аёлларни кенг жалб қилишга муҳим эътибор берилмоқ-

азалий Жиззах шахри учун мобайнида шифокор-спортчиларнинг биричилигини эгаллади. Стол тенниси ва сузиш бўйича Тошкент шахрининг кизларига тенг келувчилар топилмади. Наманганлик шифокорлар волейболни жуда яхши ўйнашларини намойиш қилиб, биринчи ўринни эгалладилар.

Мусобақалар натижалари Жиззах вилоятида оммавий спорт тўғрисида кетаётганидан далолат берди. Спортнинг ривожиди эса касаб уюшмаларининг роли бекиёсдир. Мунтазам спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбияга бўлган эътибор ўз натижаларини берди. Спартакиада якунига кўра жиззахлик шифокор-спортчилар сузиш, стол тенниси, волейбол бўйича иккинчи ўринни эгалладилар.

Умум жамоа ҳисобида ҳам Жиззах вилоятининг шифокор кизлари Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари I Республика спартакиадасининг ғолиби деб топилди, уларга I Даражали диплом ва пул мукофоти топширилди.

Тошкент шахрининг шифокор-спортчи кизлари ҳам бўш келмадилар. Умумжамоа ҳисобида улар иккинчи ўринни,

қашқадарёлик кизларимиз эса фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Маъмур спартакиада Наманган, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларида оммавий спортга аёлларни жалб қилиш борасида ибратли ишлар олиб борилаётганини кўрсатди.

Чинакам нафосат байрамга айланиб кетган спартакиаданинг тантанали ёпилиш қисмида ғолиб жамоаларга мукофотлар топширилди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш муассасалари ўзлари ҳомийлик қилган жамоаларни эсдалик совғалари билан тақдирладилар.

Ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари I Республика аёллар спартакиадаси унинг иштирокчиларида ҳам, томошабинларда ҳам илиқ таассурот қолдирди.

Шавкат ЁҚУБОВ. Суратларда: Спартакиада лавҳалари К.ЖУРАҚУЛОВ олган суратлар.

қашқадарёлик кизларимиз эса фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Маъмур спартакиада Наманган, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларида оммавий спортга аёлларни жалб қилиш борасида ибратли ишлар олиб борилаётганини кўрсатди.

Чинакам нафосат байрамга айланиб кетган спартакиаданинг тантанали ёпилиш қисмида ғолиб жамоаларга мукофотлар топширилди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш муассасалари ўзлари ҳомийлик қилган жамоаларни эсдалик совғалари билан тақдирладилар.

Ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари I Республика аёллар спартакиадаси унинг иштирокчиларида ҳам, томошабинларда ҳам илиқ таассурот қолдирди.

Шавкат ЁҚУБОВ. Суратларда: Спартакиада лавҳалари К.ЖУРАҚУЛОВ олган суратлар.

да. Эндиликда аёлларимиз фақатгина уй-соҳибаси эмас, балки давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этишлари билан бир қаторда ўзларининг спорт соҳасидаги иқтидорларини ҳам муваффақиятли намойиш этмоқдалар. Жисмоний тарбия ва спорт билан ошно бўлиш эса хотин-қизларимизни соғлом ва бақувват ўсишларида, руҳан тетик ҳаёт кечиртиришлари ҳамда келажик буюк мамлакатимиз учун мустақам соғлиққа эга бўлган баркамол фарзандларни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

маҳоратларини намойиш этдилар. Гўё спорт майдонлари, сузиш ҳавзаси, шахмат тахталари атрофида ҳаваскор спортчилар эмас, балки, бутун умрини спортга бағишлаган кишилар бахшлаётгандек таассурот қолди томошабинларда. Спорт мусобақалари ҳақиқатдан ҳам гўзаллик ва нафосат байрамга айланиб кетди.

18 апрел куни шахардаги Истиклол форумида спартакиаданинг ёпилиш маросими бўлди. Унда мусобақаларнинг натижалари эълон қилинди. Спортнинг энгил атлетика, шахмат турлари ва оилавий жамоалар ўртасидаги мусобақада



Ҳар тўғрида

Транспорт усули

Ҳаракат воситаси сифатида ҳаво шари ака-ука Монгольфеллар томонидан ихтиро қилинган. Умуман, ҳаво шариди кўтарилиш биринчи марта 1783 йилда амалга оширилган.

Монгольфелларнинг мураккаб бошқарув тизими, боис ҳеч қачон ундан транспорт воситаси сифатида фойдаланилмаган. Аммо Париж Коммунаси даврида шахарга озик-овқат ва бошқа ашёлар айнан ҳаво шари орқали етказилган.

Илоҳийлашган мурда

Ҳиндистонлик Аджай Шапрни унинг қариндошлари сал бўлмаса нариги дунёдан ташриф буюрган илоҳий меҳмон сифатида қабул қилишарди. Шапр йўқолганидан бир ой ўтган, унинг мурдасини топишда ва расм-русм бўйича мурдани сўнги манзил-гулхан қучоғига топширишди. Бироқ кўп ўтмай гулханга топширилган мурда ҳеч нарса бўлмагандай яна остонада пайдо бўлди.

Шошиб қолган қон-қариндошлари уни илоҳий меҳ-

монга йўйиб дарҳол оёқлари остига тиз чўкишди. Кимдир уни мева билан сийлашга, кимдир пул тутқазишга шошилди.

Маҳаллий полиция олиб борган қидирув барча илоҳийликларга чек қўйди. Ёқилган мурда худди Аджайга ўхшаш бошқа бир камбағалники эканлиги маълум бўлди. Илоҳийнинг ўзи эса бир неча ой дайдиб юрган экан. Уйдагилари ҳеч нарсдан хабарсиз уни ўлдига чиқаришган.

Аслзодалар орасида машҳур

Елканли спорт Европа аслзодалари орасида жуда машҳур. Қироллар ҳам бу спорт билан шуғулланишни қанда қилишмайди. Масалан, Юнонистон қироли Константин елканли қайиқда олимпиадага қатнашган. Шунинг учун ҳам норвег қироли Харалд ва Константин елканли спортнинг халқаро федерациясига фахрий аъзо бўлиб сайланганларига ажабланмаса бўлади.

А.БОБОВ тайёрлади.

Очиқ турдаги «ОРЗУ» акционерлик жамияти акциядорлари диққатига!

Очиқ турдаги «Орзу» акционерлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 1999 йил 21 май соат 15.00 да жамиятнинг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. «Орзу» А.Ж. Бошқарув раисининг 1998 йил якуни бўйича молиявий ҳўжалик ҳисоботи.
2. «Орзу» А.Ж. 1998 йилги аудиторлик текширув натижаларини тасдиқлаш.
3. «Орзу» А.Ж. 1998 йилги фойдани тақсимлаш.
4. «Орзу» А.Ж. 1999 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
5. Бошқарув ҳайъати таркиби ўзгаришини тасдиқлаш.
6. Тафтиш комиссиясини сайлаш.
Акциядорларни рўйхатга олиш соат 13.00 дан бошланади. Ўзингиз билан паспорт ва сертификат олиб келишингиз шарт.
Манзил: Тошкент шахар, Шайхонтоҳур тумани, Генерал Узоқов кўчаси, 2-уй.
Маълумот учун телефон: 46-28-12.

«Орзу» акциядорлик жамиятининг 1998 йилги молиявий баланси

Кузатув кенгаши.
Баланс моддалари бўйича
Актив
Пассив
1. Асосий воситалар 20019
2. Ишлаб чиқариш заҳиралари 23132
3. Пул маблағлари 2299
4. Дебитор қарзлар 2938
5. Устив жамғармаси 31268
6. Кредиторлик қарзи 12255
7. Тақсимланмаган фойда 4865
Баланс 48388 48388

1998 йилги соф фойда 4.865 миң сўмини ташкил этди. 1998 йил натижалари 19.07.97 даги 372-лицензияли «Прогресс» аудиторлик фирмаси томонидан текширилди. Маълумот учун телефон: 49-17-67.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Ишонч
Баш мўҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Баш мўҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бош мўҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош мўҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъуъл қўлиб-36-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маълумот ва маълумот-56-82-79. Ҳатлар, оммавий ишлар ва мўҳбирлар билан ишлар-56-85-43. Тижорат ва ҳўқўқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Жиззахда-3-83-01. Наманганда-6-22-10. Самарқандда-35-64-24. Фарғонада-24-58-43. Ўрағанди-6-03-40. Қаршида-5-19-11. Қўқорғонда-54-3-38.

Сотувда эркин нархда.
Маъшиимиз: 700165, Тошкент шахри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашир кўрсаткичи: 133; 134
Гўзегата 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00002 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00